«Навбаҳор» футбол жамоасининг улкан ғалабаси — мамлакатимиз чемпиони унвонини қўлга киритгани муносабати билан барча наманганлик футбол мухлисларини самимий табриклайман!

Ислом КАРИМОВ.

# Наманганнинг «Навбаҳор»и — гуллари сен, Алп йигитлар тўп сурганда — марду майдон,

## Солнома

• «Навбаҳор» Ўзбекистон миллий чемпионатини кўтаринки руҳда ўтказди. 30 учрашувдан 23 тасида ғалаба қозонди. 5 ўйинда кучлар тенг келди. Фақатгина икки учрашув бой берилди.

• Наманганлик футболчилар 28 октябрь куни мавсум якунланишига бир тур қолганда, «Янгиер» билан бўлган ўйинда 5:1 ҳисобида ғалаба қозониб, муддатидан илгари мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритди.

• Рақиблар дарвозасига 88 та тўп киритилди. Тўп ўтказиб юбориш бўйича ҳам энг кам кўрсаткич «Навбаҳор»да — 23 та.

• «Навбаҳор» ва «Ўзбекистон» миллий терма жамоасининг ўйинчиси, ўтган мавсумнинг энг яхши футболчиси Олег Шацких мамлакат чемпионати баҳсларида рақиблари дарвозасига 23 та тўп киритди.



**Ҳакимжон ҲОШИМОВ, «Навбаҳор» футбол клуби вице президенти.**

1947 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини тугаллаган. Бир неча йил вилоят сув хўжалиги тизимида турли лавозимларда ишлаган. Айни пайтда Наманган вилоят Сув хўжалиги бирлашмасининг бошлиғи, Олий Мажлис депутати.



**Толибжон АБДУЛЛАЕВ, «Навбаҳор» футбол клуби раиси.**

1963 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Санкт-Петербургдаги кино муҳандислари институтида таҳсил олган. Биринчи разрядли шоҳмотчи. 1996 йилдан «Навбаҳор» футбол клубининг раиси.



**Бахтиёр БОБОЕВ, «Навбаҳор» футбол жамоаси бошлиғи.**

1957 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 1976-1988 йилларда турли футбол жамоаларида тўп сурган. 1995 йилдан буён мазкур жамоани бошқариб келмоқда.



**Виктор ЖАЛИЛОВ, «Навбаҳор» футбол жамоаси бош мураббийси.**

1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1969-1977 йилларда турли футбол жамоаларида тўп сурган. Шундан сўнг Чустдаги «Ўзбекистон», Тошкент вилоятидаги «Политотдел» каби футбол жамоаларида ёшларга мураббийлик қилган. 1995 йилдан буён «Навбаҳор»да ишлаб келмоқда.



**Владимир ЯТЧЕНКО, футбол жамоаси мураббийси.**

1937 йилда Пеньза шаҳрида туғилган. Тошкент жисмоний тарбия институтини тугаллаб, турли футбол жамоаларида ўйнаган. 1963 йилдан спорт интернатида ишлаб, Ўзбекистон терма жамоаларини Иттифоқ ва Халқаро беллашувларда қатнашишга тайёрлаган. «Навбаҳор» футбол жамоасида 1995 йилдан буён ишламоқда.



**Дмитрий БАШКЕВИЧ, команда дарвозабони.**

1968 йилда Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида туғилган. Дастлаб шу шаҳардаги «Химик» футбол жамоасида, 1992 йилда «Навбаҳор»да, 1993 йилда «Кубань» (Краснодар) жамоасида тўп сурган. 1994 йилдан буён «Навбаҳор»да.



**Олег БЕЛЯКОВ, команда дарвозабони.**

1972 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1989 йилда спорт мактабини тугаллаб, аввал «Свердловчи», сўнг «Пахтакор», «Шахтёр», «Чирчиқ» футбол жамоаларида ўйнаган. 1996 йилдан буён «Навбаҳор»да ўз маҳоратини намойиш этмоқда.

## 1997 йил

### ЯНВАРЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Ч | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |
| П | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 | |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 | |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 25 | | |
| Я | 5 | 12 | 19 | 26 | | |

### ФЕВРАЛЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| С | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ч | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| П | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ж | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Ш | 1 | 8 | 15 | 22 | | |
| Я | 2 | 9 | 16 | 23 | | |

### МАРТ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| С | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ч | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| П | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ж | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Ш | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |
| Я | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 | |

### АПРЕЛЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| С | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |
| Ч | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 | |
| П | 3 | 10 | 17 | 24 | | |
| Ж | 4 | 11 | 18 | 25 | | |
| Ш | 5 | 12 | 19 | 26 | | |
| Я | 6 | 13 | 20 | 27 | | |

### МАЙ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| С | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ч | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| П | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |
| Ж | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 | |
| Ш | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 | |
| Я | 4 | 11 | 18 | 25 | | |

### ИЮНЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| С | | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Ч | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| П | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ж | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ш | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Я | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |



**Фарҳод МАГОМЕТОВ, марказий ҳимоячи.**

1962 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1994 йилда «Навбаҳор» футбол жамоасига келгунга қадар «Динамо» (Самарқанд), «Сўғдиёна» (Жиззах), «Пахтакор» (Тошкент) футбол жамоаларида тўп сурган. 1992 йилда Ўзбекистон чемпиони бўлган, икки марта Ўзбекистон кубоги совриндори, Осиё ўйинлари чемпиони, хизмат кўрсатган спорт устаси, команда капитани.



**Геннадий ДЕНИСОВ, ҳимоячи.**

1960 йилда Сирдарё туманида туғилган. Спорт мактабини тугатгач, «Пахтакор», МҲСК (Москва), «Спартак» (Владикавказ) футбол жамоаларида ўйнаган. Спорт устаси, Ўзбекистон кубоги совриндори. 1995 йилдан буён «Навбаҳор» футбол жамоасида ўйнаб келмоқда.



**Эдуард МАМОТОВ, ҳимоячи.**

1970 йилда Усть — Каменогорск шаҳрида туғилган. 1989 йилда шу шаҳардаги «Восток» футбол жамоасида, 1990 йилда эса Жамбул шаҳридаги «Химик» футбол жамоасида, кейинроқ Фарғонанинг «Нефтчи» командасида тўп сурган. Тўрт маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлган. 1994 йилги Ўзбекистон кубогининг совриндори. 1996 йилдан буён «Навбаҳор» да ишлаб келмоқда.



**Сайдулло ТУРСУНОВ, ҳимоячи.**

1972 йилда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон шаҳрида туғилган. Республика спорт-интернатини тугатгач, «Навбаҳор» футбол жамоасига келгунга қадар «Пахтакор» ва «Бахт» футбол жамоаларида ўйнаган. Спорт устаси.



**Сергей АРСЛАНОВ, ҳимоячи.**

1967 йилда Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида туғилган. Аввал «Помир» (Душанбе), сўнг «Навбаҳор», «Кубань» футбол жамоаларида ўйнаган. 1992 ва 1995 йилларда ўтказилган кубок ўйинларининг совриндори. 1994 йилдан буён «Навбаҳор» футбол жамоасида тўп суриб келмоқда.



**Бахтиёр ТОҒАЕВ, ҳимоячи.**

1966 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Фаолиятини «Политотдел» (Тошкент вилояти) футбол жамоасида бошлаган. 1995 йилги кубок ўйинларининг совриндори. 1994 йилдан буён «Навбаҳор»да маҳоратли ҳимоячи сифатида тўп суриб келмоқда.



**Марат ДИЛМУҲАМЕДОВ, ҳимоячи.**

1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Шу шаҳардаги спорт-интернатини битиргач, 1991—1995 йилларда Тошкент вилоятининг «Политотдел» футбол жамоасида ўйнаган. 1996 йилдан буён «Навбаҳор» футбол жамоаси сафида.

# Келажаги буюк юртнинг йўллари — сен. Зафар билан қутлар бутун Ўзбекистон!

● «Навбаҳор» мавсум давомида ҳаммадан кўп — 11 марта йирик ҳисобда ғалабага эришди.

● Мамлакатнинг бешинчи чемпиони «Навбаҳор» сафарда тўққиз бор ғалабага эришиб, республика футбол федерациясининг «Муросасиз меҳмон» совринини қўлга киритди.

● Наманганлаги марказий ўйингоҳ ишқибозларни жалб этиш бўйича ҳам республикамизда карвонбошилик қилмоқда. Миллий чемпионатимиз ўтказилган йилларда «Навбаҳор» ўйингоҳига ташриф буюрган мухлислар сони 2 миллион нафардан ортиб кетди.

● Чемпионат якунида журналистларнинг сўровига кўра тузилган рамзий миллий терма жамоа таркибига «Навбаҳор»чи Фарҳод Магометов, Эдуард Мамотов, Олег Шацкихлар киритилди.

Солнома



**Мустафо БАЙРАМОВ,**
**ярим ҳимоячи.**

1964 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Наманган футболининг тарбияланувчиларидан бири. Икки маротаба Ўзбекистон кубоги ўйинлари совриндори. 1981 йилдан буён «Навбаҳор» футбол жамоаси таркибида тўп суриб келмоқда.



**Анвар АСАДУЛЛАЕВ,**
**ярим ҳимоячи.**

1970 йилда Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида туғилган. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабини битиргач, шу шаҳардаги «Помир» футбол жамоасида ўйнаган. Спорт устаси. «Навбаҳор»да 1995 йилдан буён ўйнаб келмоқда.



**Алексей ВИННИКОВ,**
**ярим ҳимоячи.**

1970 йили Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида туғилган. 1991-1993 йилларда шу шаҳардаги «Шифокор», 1993 йилдан 1995 йилгача Тошкент вилоятининг «Политотдел» футбол жамоаларида ўйнаган. 1995 йилдан буён «Навбаҳор»чилар сафида маҳоратли тўп суриб келмоқда.



**Илҳом ШАРИПОВ,**
**ярим ҳимоячи.**

1968 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Катта футболдаги фаолиятини Самарқанддаги «Динамо» жамоасида бошлаган. 1990—1995 йилларда «Пахтакор»чилар сафида тўп сурган. 1996 йилдан буён «Навбаҳор» футбол жамоаси сафида ўйнаб келмоқда.



**Тоҳир МАДРАҲИМОВ,**
**ярим ҳимоячи.**

1975 йилда Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳрида туғилган. Спорт-интернатини тугаллагач, аввал «Навбаҳор»да, сўнг МҲСК (Тошкент) да ўйнаган. Ўтган йилдан буён «Навбаҳор» футболчилари сафида ўз маҳоратини намойиш этмоқда.



**Абдуқаҳҳор МАЪРУФАЛИЕВ,**
**ярим ҳимоячи.**

1971 йилда Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида туғилган. Аввал «Соҳибкор», сўнг «Пахтакор» футбол жамоаларида ўйнаган. Шу йилнинг бошидан буён «Навбаҳор» футбол жамоаси сафида тўп сурмоқда.



**Олег ШАЦКИХ,**
**ҳужумчи.**

1974 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1991 йили «Пахтакор» футбол мактабини тугатган. 1990 йилда ёшлар ўртасидаги Европа чемпионати финал ўйинларининг иштирокчиси бўлган. «Пахтакор» ва «Политотдел» жамоаларида тўп сурган. 1995 йилдан буён «Навбаҳор»да маҳоратли ҳужумчи сифатида мухлисларни қувонтирмоқда.

## 1997 йил

ИЮЛЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| С | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ч | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| П | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ж | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ш | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Я | 6 | 13 | 20 | 27 | |

АВГУСТ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| С | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ч | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| П | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ж | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ш | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Я | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |

СЕНТЯБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| С | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ч | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| П | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ж | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ш | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Я | 7 | 14 | 21 | 28 | |

ОКТЯБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ч | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| П | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Я | 5 | 12 | 19 | 26 | |

НОЯБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 3 | 10 | 17 | 24 |
| С | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Ч | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| П | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ж | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ш | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Я | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |

ДЕКАБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| С | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ч | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| П | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ж | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ш | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Я | 7 | 14 | 21 | 28 | |

«Адолат»нинг тижорат хизмати



**Ёрбўлат ЁРАЛИЕВ,**
**ҳужумчи.**

1970 йилда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида туғилган. Шу шаҳардаги «Сурхон» футбол жамоасида ўз фаолиятини бошлаган. Сўнг «Суғдиёна» (Жиззах) жамоасида тўп сурган. 1995 йилдан буён «Навбаҳор»да фаолият кўрсатмоқда.



**Зафар МУСАБОЕВ,**
**ҳужумчи.**

1975 йилда Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳрида туғилган. Спорт-интернатида таҳсил кўрган. 1992 йилдан Тўрақўрғондаги «Бахт» футбол жамоасида, 1994 йилдан буён «Навбаҳор»чилар сафида ўйнаб келмоқда.



**Дилшод АЛИЕВ,**
**ҳужумчи.**

1974 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Футболдаги дастлабки маҳоратини 1989 йилда «Навбаҳор—2» жамоасидан олган. Бошқа турли футбол командаларининг ўйинчиси бўлган. 1996 йилдан буён «Навбаҳор» футбол командаси жамоаси билан бир сафда тўп суриб келмоқда.



**Дмитрий БАТИНКОВ,**
**ярим ҳимоячи.**

1970 йилда Москва шаҳрида туғилган. 1995 йилда «Навбаҳор» футбол жамоасига келгунга қадар «Динамо» (Москва), «Динамо» (Ставрополь), «Шинник» (Ярославль) жамоаларида ўйнаган.



**Мақсуд НАЗАРОВ,**
**мураббий - ҳаким.**

1955 йилда Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида туғилган. Андижон тиббиёт институтини битириб, вилоят ортопедия-жарроҳлик шифохонасида бир неча йил ишлаган. 1992 йилдан бери «Навбаҳор» футбол жамоасида мазкур вазифада ишлаб келмоқда.



**Владимир КАМОЛОВ,**
**мураббий-маъмур.**

1956 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Наманган Давлат педагогика институтини тугаллаб, олий маълумотли мутахассис ихтисосига эга бўлган. 1979 йилдан буён «Навбаҳор» футбол жамоаси билан бирга ишлаб келмоқда.



**Анвар БИСЕРОВ,**
**мураббий-массажчи.**

1969 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Наманган Давлат педагогика институтини битирган. Футболдаги фаолиятини 1992 йилда Ҳаққулободнинг «Норин» жамоасидан бошлаган. 1993 йилдан буён «Навбаҳор» жамоаси билан бирга.

